

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ**404 2016 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида  
атроф табиий муҳит мониторинги Дастурини тасдиқ-  
лаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2002 йил 3 апрелдаги 111-сон қарорини амалга ошириш мақсадида кейинги 15 йилда республикада мониторингнинг ягона тизими яратилди, атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи асосий табиий ва техноген манбаларнинг рўйхати шакллантирилди, ўлчашларни бажаришнинг замонавий методикалари ишлаб чиқилди, экоаналитик лабораторияларнинг моддий-техника базаси модернизация қилинди, мониторинг натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида давлат ахборот-таҳлил маркази ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда атроф табиий муҳит мониторинги 390 та саноат корхоналарида, 68 та ер усти сув оқимлари пунктларида, 87 та сув ташлама коллекторларида, 1694 та ер ости суви қудуқларида, 74 та булоқларда ва 61 та атмосфера хавосини кузатиш постларида олиб борилмоқда.

Атроф муҳитни муҳофаза қилишга мақсадли йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида атмосфера хавосига ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий массаси кўрсатиб ўтилган даврда 1,5 бараварга қисқарди, Наманган, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон ва Сирдарё вилоятларининг ўрганилган туманларида сугориладиган ерлар бонитети 0,9 дан 4,7 баллгача ошди.

Шу билан бирга, сув ресурслари ва атмосфера хавосини ифлослантирувчи манбалар мониторинги шуни кўрсатдики, баъзи тозалаш иншоотларида оқова ва ташламаларни тозалаш ишларини амалга ошириш самараси етарли даражада эмас, йирик саноат корхоналари атрофидаги баъзи тупроқлар ифлосланган. Экоаналитик лабораторияларнинг методик ва моддий-техника базаси янада такомиллаштиришни талаб қилади.

Атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг иш сифатини янада ошириш ва ифлосланиш даражаси ҳолатини прогноз қилиш ва мунтазам равишда баҳолашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2016 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги Дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тасдиқланган Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда тасдиқланган Дастурда белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур бўладиган маблағларни вазирликлар ва идораларнинг харажатлар сметасида назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил ва кейинги йиллар учун Инвестиция дастури параметрларини шакллантиришда тасдиқланган Дастурда белгиланган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лабораторияларининг моддий-техника базасини яхшилаш ишларини молиялаштириш учун бюджет маблағларининг асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ажратилишини назарда тутсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органларининг тасдиқланган Дастурда назарда тутилган тадбирларни бажариш бўйича фаолияти мувофиқлаштирилишини;

кейинчалик Соғлиқни сақлаш, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича Комплекс мажлисларида кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2016 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги Дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ярим йиллик ва йил якунлари бўйича ҳисоботларнинг киритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 23 август,  
273-сон

2016 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги  
ДАСТУРИ

Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Кутилаётган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
<b>I. Сув ресурсларини ифлослантирувчи манбалар мониторинги</b>						
1.	Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташланаётган оқова сувларнинг сифати ва республика шаҳарларида ва бошқа аҳоли пунктларида тозалаш иншоотларининг самарали ишлаши (Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2006 йил 11 мартдаги 06-01-01-сон қарори билан тасдиқланган, 2006 йил 6 майдаги 1573-сон билан рўйхатга олинган «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида низом»нинг 4-илловасига мувофиқ) мониторингини олиб бориш.	1) сувдан намуналар олиш, дала тадқиқотларини ўтказиш ва тозалаш иншоотлари ҳолатини ўрганиш; 2) олинган намуналарни лаборатория шароитида таҳлил қилиш ва маълумотларни камерал ишлаш; 3) олинган маълумотларни баҳолаш ва тегишли тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш учун натижаларни манфаатдор вазирлик ва идораларга, хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш; 4) натижаларни электрон маълумотлар базасига киритиш; 5) ҳар чораклик ҳисоботларни тайёрлаш.	Ҳар чоракда	Сув ресурсларининг оқова сувлар билан ифлосланиши ҳолатини ўз вақтида аниқлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлашда экологик меъёрга риоя этиши юзасидан самарали экологик назоратни таъминлаш. Жойлардаги давлат бошқаруви органларини ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан зарарли моддалар ташламаларининг солиштирма ҳажмини камайитириш бўйича тегишли чораларни қабул қилиш, шунингдек тозалаш иншоотларининг самарадорлигини ошириш бўйича мониторинг маълумотлари билан таъминлаш. Оқова сув ташланадиган жойларда санитария-эпидемиологик ва экологик хавфсиз вазиятни яратишда кўмаклашиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (кейинги ўринларда — Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси деб аталади)
2.	Мазкур Дастурнинг 1-илловасидаги рўйхатга мувофиқ оқова сувларни қабул қилувчи сув ҳавзаларининг суви сифати мониторинги.	1) сувдан намуналар олиш, дала тадқиқотлари ўтказиш; 2) олинган намуналарни лаборатория шароитида таҳлил қилиш ва маълумотларни камерал ишлаш; 3) олинган маълумотларни баҳолаш ва тегишли тадбирларни қабул қилиш ва амалга ошириш учун натижаларни манфаатдор вазирлик ва идораларга, хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш;	Ҳар чоракда	Сув объектлари сифатига таъсир қилувчи оқова сувларнинг очиқ сув ҳавзаларига таъсирини баҳолаш, салбий таъсир этувчи жараёнларнинг ривожланишини ўз вақтида аниқлаш ва прогноз қилиш ҳамда ушбу жараёнлар зарарли таъсирининг олдини олиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш. Сув объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида ўз вақтида бошқарув қарорларини қабул қилиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси

Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Қўтилаётган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
		4) натижаларни электрон маълумотлар базасига киритиш; 5) ҳар чораклик ҳисоботларни тайёрлаш.		Сувнинг ифлосланиш индекси кўрсаткичини яхшилаш.		
3.	Чирчиқ, Оҳангарон, Сирдарё, Норин, Зарафшон, Марғилонсой, Қашқадарё, Сурхондарё дарёлари ҳавзаларида ўзанларни тозалаш ишлари ўтказилаётган дарё ва сойлар сув оқимларининг ҳолати мониторинги.	1) очиқ сув ҳавзалари ўзинини тозалаш ишлари ўтказилаётган участкаларни хатловдан ўтказиш; 2) очиқ сув ҳавзалари ўзинини тозалаш ишлари ўтказиладиган участкаларда дала тадқиқотлари ўтказиш бўйича ҳамкорликда режа-жадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; 3) ўзанларни тозалаш ишлари олиб борилаётган участкаларда тегишли ўлчов ва дала тадқиқотлари ўтказишни ташкил қилиш; 4) очиқ сув ҳавзалари ўзанларининг ҳолатини яхшилаш учун аниқ чора-тадбирларни бажариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.	Режа-жадвалга мувофиқ	Ўзани тозалаш ишлари олиб борилаётган сув ҳавзалари объектиларида дала тадқиқотларини ўтказишнинг ҳамкорликдаги режа-жадвалини тасдиқлаш. Қирғоқларнинг бузилиши, ювилиши ва сув ҳавзаси ўзанларини лойқа босишининг олдини олиш, шунингдек гидротехника иншоотларини ва бошқа сув объектилари хавфсизлигини таъминлаш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ва бажарувчиларнинг ҳар йили ажратадиган маблағлари	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
4.	Атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи, жумладан: атмосферага ташламалар чиқарувчи; сув ресурсларини ифлослантирувчи; ерларни ифлослантирувчи манбалари бўлган объектиларни қайтадан кўздан кечириш.	1) ифлослантирувчи объектиларни хатловдан ўтказиш; 2) атроф табиий муҳитга кўпроқ даражада салбий таъсир кўрсатувчи объектиларни танлаб олиш; 3) ифлослантирувчи объектиларнинг манбалар бўйича рўйхатини тузиш ва келишниш учун тегишли идораларга киритиш.	IV чорак	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида атроф муҳитни ифлослантирувчи асосий объектилар рўйхатини аниқлаш.	Маблағ талаб этилмайди	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
<b>II. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар мониторинги</b>						
5.	Атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манба ҳисобланган турғун ифлослантириш манбаларида (Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2006 йил 11 мартдаги 06-01-01-сон қарори билан тасдиқланган, 2006 йил 6 майдаги 1573-сон билан рўйхатга олинган «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказила-	1) ташлама манбаларида жойига чиқиб намуналар олиш ва ўлчовлар ўтказишни ташкил қилиш; 2) чанг-газдан тозалаш қурилмаларининг самардорлигини ўрганиш; 3) мониторинг натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш; 4) тегишли чора-тадбирларни қабул қилиш ва амалга ошириш учун натижаларни Табиатни муҳофаза	Ҳар ойда	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, махсус ваколатли давлат органлари ва алоқадор хўжалик юритувчи субъектиларни ифлослантирувчи моддалар ташламалари ҳажми бўйича маълумот билан таъминлаш. Меъридан юқори ташламалар оқибатида келиб чиқадиган салбий ҳолатларни бартараф қилишга кўмаклашиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Қўйилаётган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
	диган, тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида низом»нинг 4-илловасига мувофиқ) мониторинг олиб бориш.	қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига ва хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш; 5) мониторинг натижаларини электрон маълумотлар базасига киритиш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; 6) ҳисоботларни тайёрлаш.		Турғун манбалардан зарарли моддалар ташламаларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш учун самарали экологик назоратни таъминлаш. Чиқарилаётган газларнинг умумий миқдоридоги ифлослантирувчи моддалардан ушлаб қолинадиган ва зарарсизлантириладиган ифлослантирувчи моддалар улушини ошириш мақсадида чанг-газдан тозалаш қурилмаларининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.		
<b>III. Тупроқларни ифлослантирувчи манбалар мониторинги</b>						
6.	Тупроқ-грунтни ифлослантириш манбалари жойлашган ҳудудларда (Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2006 йил 11 мартдаги 06-01-01-сон қарори билан тасдиқланган, 2006 йил 6 майдаги 1573-сон билан рўйхатга олинган «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида низом»нинг 4-илловасига мувофиқ) мониторинг олиб бориш.	1) ерни ифлослантириш манбаларида мониторинг ўтказиш бўйича режа тайёрлаш; 2) жойига бориб тупроқ-грунтдан намуна олишни ташкил қилиш ва далада зарур текшириш ва ўлчовларни ўтказиш; 3) тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва камерал қайта ишлаш, тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш; 4) мониторинг натижаларини маълумотлар электрон базасига киритиш; 5) натижаларни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига, жойлардаги давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга тегишли чора-тадбирлар кўриш ва амалга ошириш учун тақдим этиш.	Ярим йилда бир марта	Атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар жойлашган ҳудудларда тупроқни ифлослантирувчи омилларни ўз вақтида аниқлаш. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан самарали экологик назоратни таъминлаш. Мониторинг натижалари бўйича ер ифлосланишининг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш ва амалга ошириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва алоқадор хўжалик юритувчи субъектларни ахборот билан таъминлаш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
7.	Мазкур Дастурнинг 2-илловасидаги рўйхатга мувофиқ қуйқатўплагичлар жойлашган ҳудудларда тупроқ-грунтни ифлослантирувчи манбалар мониторингини олиб бориш.	1) ерни ифлослантириш манбаларида мониторинг ўтказиш бўйича режа тайёрлаш; 2) жойига бориб тупроқ-грунтдан намуна олишни ташкил қилиш ва далада зарур текшириш ва ўлчовлар ўтказиш;	Ярим йилда бир марта	Чиқиндилар жойлашган ҳудудларда атроф муҳит ҳолати мониторинги тизimini яратиш. Саноат ва истеъмол чиқиндиларининг атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган тадбирларни амалга	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бюджетдан	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, тегишли хўжалик юритувчи субъектлар

Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Қўтилаётган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
		<p>3) тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва камерал қайта ишлаш, тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш;</p> <p>4) мониторинг натижаларини маълумотлар электрон базасига киритиш;</p> <p>5) натижаларни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига, жойлардаги давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга тегишли чоратадбирлар кўриш ва амалга ошириш учун тақдим этиш.</p>		ошириш учун манфаатдор томонларни ахборот билан таъминлаш, чиқиндиларни бошқариш бўйича ҳудудий схемалар ишлаб чиқиш.	ташқари маблағлари ва тегишли хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари	
8.	Мазкур Дастурнинг 3-илосидаги рўйхатга мувофиқ хом ашё чиқиндилари жойлашган ҳудудларда тупроқ-грунтни ифлослантирувчи манбалар мониторингини олиб бориш.	<p>1) ерни ифлослантириш манбаларида мониторинг ўтказиш бўйича режа тайёрлаш;</p> <p>2) жойига бориб тупроқ-грунтдан намуна олишни ташкил қилиш ва далада зарур текшириш ва ўлчовлар ўтказиш;</p> <p>3) тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва камерал қайта ишлаш, тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш;</p> <p>4) мониторинг натижаларини маълумотлар электрон базасига киритиш;</p> <p>5) натижаларни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига, жойлардаги давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга тегишли чоратадбирлар кўриш ва амалга ошириш учун тақдим этиш.</p>	Ярим йилда бир марта	Чиқиндилар жойлашган ҳудудларда атроф муҳит ҳолати мониторингини тизимини яратиш. Саноат ва истеъмол чиқиндиларининг атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш учун манфаатдор томонларни ахборот билан таъминлаш, чиқиндиларни бошқариш бўйича ҳудудий схемалар ишлаб чиқиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ва тегишли хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, тегишли хўжалик юритувчи субъектлар
9.	Мазкур Дастурнинг 4-илосидаги рўйхатга мувофиқ саноат чиқиндилари жойлашган ҳудудларда тупроқ-грунтни ифлослантирувчи манбалар мониторингини олиб бориш.	<p>1) ерни ифлослантириш манбаларида мониторинг ўтказиш бўйича режа тайёрлаш;</p> <p>2) жойига бориб тупроқ-грунтдан намуна олишни ташкил қилиш ва далада зарур текшириш ва ўлчовлар ўтказиш;</p>	Ярим йилда бир марта	Чиқиндилар жойлашган ҳудудларда атроф муҳит ҳолати мониторингини тизимини яратиш. Саноат ва истеъмол чиқиндиларининг атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган тадбирларни амалга	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бюджетдан	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, тегишли хўжалик юритувчи субъектлар

Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Кутилаётган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
		<p>3) тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва камерал қайта ишлаш, тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш;</p> <p>4) мониторинг натижаларини маълумотлар электрон базасига киритиш;</p> <p>5) натижаларни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлиналари, жойлардаги давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли чора-тадбирлар қўриш ва амалга ошириш учун тақдим этиш.</p>		ошириш учун манфаатдор томонларни ахборот билан таъминлаш, чиқиндиларни бошқариш бўйича ҳудудий схемалар ишлаб чиқиш.	ташқари маблағлари ва тегишли ҳўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари	
10.	Мазкур дастурнинг 5-иловасидаги рўйхатта мувофиқ заҳарли моддалар қўмиладиган ҳудудларда тупроқ-грунтни ифлослантирувчи манбалар мониторингини олиб бориш.	<p>1) заҳарли кимёвий моддалар қўмиладиган ҳудудда ер ифлосланиши мониторингини ўтказиш бўйича иш режасини тайёрлаш;</p> <p>2) дала тадқиқотлари ўтказиш ва тупроқдан намуналар олиш;</p> <p>3) лаборатория таҳлилларини бажариш;</p> <p>4) тадқиқот натижаларини қайта ишлаш ва тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш;</p> <p>5) натижаларни мониторингнинг электрон маълумотлар базасига киритиш;</p> <p>6) маълумотларни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлиналари, манфаатдор вазирлик ва идораларга тегишли чора-тадбирлар қўриш ва амалга ошириш учун тақдим этиш.</p>	Ярим йилда бир марта	Заҳарли кимёвий моддалар қолдиқлари билан атроф муҳит ифлосланиш омилларини ўз вақтида аниқлаш. Давлат органларини заҳарли кимёвий моддалар қўмиладиган жойнинг атроф муҳит ва инсонлар саломатлигига салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш ва амалга ошириш учун мониторинг маълумотлари билан таъминлаш.	Бажарувчи маблағлари	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
11.	Мазкур Дастурнинг 6-иловасига мувофиқ қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланадиган ҳудудларда тупроқ-грунтни ифлослантирувчи манбалар мониторингини олиб бориш.	<p>1) қаттиқ маиший чиқиндилар полигонлари бўйича дастлабки маълумотларни йиғиш ва иш режаси тайёрлаш;</p> <p>2) дала тадқиқотларини ташкиллаштириш ва тупроқдан намуналар олиш;</p> <p>3) кузатувлар натижаларини қайта</p>	Ярим йилда бир марта	Қаттиқ маиший чиқиндилар полигонлари жойлашган ҳудудларда атроф муҳит ҳолати бўйича мониторинг тизимини ташкил этиш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларни тупроқ ифлосланиши ҳолатлари бўйича ўз вақтида керакли	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағ-	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, тегишли ҳўжалик юритувчи субъектлар

Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Қўтилаётган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
		<p>ишлаш ва олинган намуналарни таҳлил қилиш;</p> <p>4) полигонлар яқинидаги ерларнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш;</p> <p>5) натижаларни мониторингнинг электрон маълумотлар базасига киритиш;</p> <p>6) маълумотларни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинулари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларга тегишли чора-тадбирлар кўриш ва амалга ошириш учун тақдим этиш.</p>		<p>чора-тадбирларни амалга оширишлари учун қаттиқ маиший чиқиндилар йиғиладиган жойларда олиб борилган мониторинг маълумотлари билан таъминлаш.</p> <p>Қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларининг аҳоли саломатлиги ва атроф муҳитга салбий таъсирини камайитиришга қўмаклашиш.</p>	лари ва тегишли хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари	
<b>IV. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши мониторинги</b>						
12.	Бошқизилсой дарёси ҳавасидаги Чотқол давлат қўриқхонаси станциясида атмосфера ҳавосининг фон мониторингини ўтказиш.	<p>1) дастур ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш;</p> <p>2) жойига боришни ташкил этиш ҳамда атмосфера ҳавосидан намуналар олиш ва зарур ўлчовлар ўтказиш;</p> <p>3) атмосфера ҳавоси намуналари таҳлилинини ўтказиш;</p> <p>4) олинган маълумотларни қайта ишлаш ва атмосфера ҳавоси ҳолатини баҳолаш;</p> <p>5) маълумотларни манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.</p>	Дастурга мувофиқ	Атмосфера ифлосланишининг фон даражасини аниқлаш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	«Ўзгидромет» маркази
13.	Ўзбекистон Республикасидаги 24 та шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларида жойлашган 61 та мавжуд тургун постларда (Олмалик, Ангрен, Андижон, Бекобод, Бухоро, Гулистон, Денов, Когон, Қарши, Китоб, Қўқон, Марғилон, Муборак, Навоий, Наманган, Нукус, Самарқанд, Сарисноё, Тошкент, Урганч, Фарғона, Чирчиқ, Шаҳрисабз, Янгийўл шаҳарларида) ҳаво муҳити сифати бўйича кузатишлар олиб бориш.	<p>1) атмосфера ҳавосидан намуналар олиш ва зарур бўлган ўлчовлар ўтказиш;</p> <p>2) атмосфера ҳавоси намуналари таҳлилинини ўтказиш;</p> <p>3) олинган маълумотларни қайта ишлаш ва атмосфера ҳавоси ҳолатини баҳолаш;</p> <p>4) маълумотларни манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.</p>	Ҳар куни	<p>Атмосферадаги асосий ва специфик ифлослантирувчи моддаларнинг бир маротабалик ва ўртача суткалик концентрацияси ҳақидаги маълумотларни олиш.</p> <p>Атмосферадаги ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг ўртача ойлик, ўртача йиллик ва кўп йиллик маълумотларини олиш.</p> <p>Атмосфера ҳавоси юқори ва ўта юқори даражада ифлосланган шаҳар-</p>	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	«Ўзгидромет» маркази



Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Қутилаётган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
				лар сонини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун маълумотлар билан таъминлаш.		
14.	Аҳоли талаби ва шикоят асосида турғун кузатув пунктлари бўлмаган ҳудудларда маршрутли кузатувларни олиб бориш.	1) мурожаатлар ва аризаларни кўриб чиқиш ва тайёргарлик ишлари олиб бориш; 2) жойига боришни ташкиллаштириш ҳамда атмосфера ҳавосидан намуналар олиш ва зарур бўлган ўлчовлар ўтказиш; 3) олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; 4) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор вазирлик ва идораларга тегишли чора-тадбирлар кўриш ва амалга ошириш учун маълумотлар тақдим этиш.	Мурожаатларга мувофиқ	Турғун кузатув пунктлари мавжуд бўлмаган аҳоли турар жойларида атмосфера ҳавосининг сифатини баҳолаш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	«Ўзгидромет» маркази
15.	Чирчиқ шаҳрида подфакел кузатувлар олиб бориш.	1) атмосферанинг пастки қатламида ташлама манбаларини аниқлаш; 2) ноқулай метеорологик шароитларда ўлчов ишларини олиб бориш; 3) таҳлиллар ўтказиш ва олинган маълумотларни баҳолаш.	Дастурга мувофиқ	Паст манбалардан ташланадиган, таъсири кичик масофалар билан чегараланган специфик моддаларни инструментал усулда ўлчаш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	«Ўзгидромет» маркази
16.	Турғун кузатув пунктларида ер усти атмосфера қатламининг радиоактив ифлосланиши юзасидан назоратни амалга ошириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида жойлашган станцияларда экспозицион доза қувватини назорат қилиш.	1) тегишли дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; 2) радиоактив ифлосланишни аниқлаш бўйича ўлчовлар ўтказиш; 3) олинган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; 4) натижаларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.	Дастурга мувофиқ	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиация ҳолати ҳақидаги маълумотларни олиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	«Ўзгидромет» маркази
17.	Атмосфера ҳавосидаги радон концентрациясининг мониторинги бўйича лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш.	1) бирламчи маълумотларни ўрғаниб чиқиш ва мониторинг объектиларини танлаш; 2) танланган объектилар рўйхатини келиштириш; 3) атмосфера ҳавосидаги радон концентрациясининг мониторинги	2016 йил, IV чорак	Мониторинг ўтказиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Давлат геология кўмитаси

Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Қутилаётган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
		бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.				
18.	Болалар мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари ва аҳоли турар жойларида атмосфера ҳавоси таркибда радон миқдори юзасидан кузатувлар олиб бориш.	1) намуналар олиш ва радон миқдорини аниқлаш учун ўлчовлар ўтказиш; 2) радон билан ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш; 3) олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; 4) атмосфера ҳавосининг радон билан ифлосланишининг олдини олиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш; 5) маълумотларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.	Ярим йилда бир марта	Аҳоли турар жойларида атмосфера ҳавоси таркибдаги радон ҳақида мавсумий маълумотлар олиш ҳамда келгусида йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш мақсадида уларни электрон маълумотлар базасига кириштириш. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Давлат геология кўмитаси
<b>V. Ер усти сувларининг ифлосланиши мониторинги</b>						
19.	Ичимлик сув сифатида ва реакция мақсадларида фойдаланиладиган сув ҳавзаларини ўрганиш ҳамда уларни ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш.	1) аниқланган ифлослантирувчи манбалар асосида мониторинг олиб бориш пунктларини танлаш; 2) сув объектлари мониторинги бўйича санитария-эпидемиологик давлат назорати ҳудудий марказларининг йиллик режасини тузиш ва тасдиқлаш.	Ҳар чоракда	Объектларни текшириш ҳамда сув оқимлари ва сув ҳавзаларининг санитария-эпидемиологик ҳолатини кузатиш дастурини қайта кўриб чиқиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
20.	956 та сув объектларидаги 1380 та назорат пунктларида сувнинг микробиологик ва санитария-кимёвий кўрсаткичлари бўйича кузатувлар ўтказиш.	Кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича асосий ифлослантирувчиларни аниқлаш ва очиқ сув ҳавзалари ҳолатини баҳолаш.	2016—2020 йиллар	Аҳоли сувдан оммавий фойдаландирилган жойларда сув объектларининг санитария-эпидемиологик ҳолатини баҳолаш. Сув оқимлари ифлосланиши сабабларини аниқлаш. Сув ҳавзалари санитар-эпидемиологик ҳолатининг ёмонлашуви натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатларни бартараф этиш. Аҳолининг касалликка чалиниш даражасини камайтириш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
21.	Чотқол-Курама минтақаси ва Зарафшон дарёси водийсидаги уран конлари ҳудудларидаги ер усти ва ер ости сувларида токсик металллар ва радионуклидлар миқ-	1) бирламчи маълумотларни ўрганиш ва мониторинг объектларини танлаш; 2) танланган объектларда монито-	2016 йил, IV чорак	Мониторинг олиб бориш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда геологик топшириқларни тасдиқлаш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Давлат геология кўмитаси

Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Қутилаган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
	дори мониторингини олиб бориш бўйича ишларни лойihalаштириш.	ринг ўтказиш учун геологик топшириқларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.				
22.	Уран конлари чиқиндилари жойлашган Чотқол-Курама худудидagi ва Зарафшон дарёси водийсидagi дарё сувларида радионуклидлар ва бир қатор токсик металлар миқдори мониторингини олиб бориш.	1) дала экспедициясини ташкил қилиш; 2) сувдан ва чўкмалардан намуналар олиш, ўлчов ва дала кузатувлари ўтказиш; 3) олинган намуналарни таҳлил қилиш ва маълумотларни камерал қайта ишлаш; 4) асосий ифлослантивчи манбаларни аниқлаш ва ифлосланганлик даражасини баҳолаш; 5) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва манфаатдор вазирлик ва идораларга маълумотларни тақдим этиш.	Ярим йилда бир марта	Дарё сувлари ва чўкмалари ифлосланганлик даражасини баҳолаш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Давлат геология қўмитаси
23.	Чотқол давлат кўриқхонасида ер усти сувларининг фон мониторингини олиб бориш.	1) дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; 2) жойларга боришни, сувдан намуналар олишни, зарур ўлчовларни бажаришни ташкил этиш; 3) сувдан олинган намуналарнинг таҳлилинини ўтказиш; 4) олинган маълумотларни қайта ишлаш ва сув сифатини баҳолаш; 5) манфаатдор ташкилотларга маълумотларни тақдим этиш.	Гидрологик босқичларга мувофиқ	Ер усти сувларининг фон ҳолати ҳақидаги маълумотларни олиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	«Ўзгидромет» маркази
24.	«Ўзгидромет»нинг кузатув пунктларида ер усти сувларининг гидрокимёвий кўрсаткичлари мониторингини олиб бориш.	1) ер усти сувлари мониторингини олиб бориш бўйича иш режасини тузиш; 2) дала кузатувлари ва сувдан намуналар олишни ташкил этиш; 3) таҳлилларни бажариш ва маълумотларни камерал қайта ишлаш; 4) олинган натижаларни умумлаштириш ва ер усти сувларининг ҳолати ҳақидаги маълумотларни манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.	2016 — 2020 йиллар	Сув оқимларидаги сув сифати ҳақида маълумот олиш. II, III ва IV тоифали сув оқимларининг ҳолати ҳақидаги амалдаги ва прогноз маълумотларни тўллаш, қайта ишлаш ва тарқатиш тизимини ҳамда кузатув тармоқларининг фаолият кўрсатишини таъминлаш. Сув оқимларидаги сув сифатини яхшилаш бўйича қарорлар қабул қилишда қўмаклашиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	«Ўзгидромет» маркази

Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Қўтилаётган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
25.	Тошкент вилоятидаги 10 та сув объектларининг 27 та сув пунктларида гидробиологик кўрсаткичлар мониторингини олиб бориш.	1) тайёргарлик ишлари олиб бориш; 2) дала тадқиқотлари олиб боришни ташкил этиш, сув оқимларининг гидробиологик ҳолатини текшириш ва гидробионтлардан намуналар олиш; 3) намуналарни таҳлил қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш; 4) натижаларни умумлаштириш ҳамда ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш.	Ҳар йили (баҳорда ва кузда)	Сув массасининг умумий ифлосланганлик даражасига боғлиқ ҳолда сув оқимларининг экологик ҳолати ва биологик синфини баҳолаш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	«Ўзгидромет» маркази
26.	Коллектор-дренаж тармоқлари сувлари сифати мониторингини олиб бориш.	1) мониторингнинг йиллик дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; 2) дала тадқиқотларини ташкил этиш ва коллектор-дренаж тармоқлари сувидан намуналар олиш; 3) намуналарни таҳлил қилиш ва олинган натижаларни баҳолаш, мелиоратив кадастрни ишлаб чиқиш; 4) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, манфаатдор вазирлик ва идораларга маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этиш.	Ҳар йилги дастурга мувофиқ	Мелиоратив кадастр тузиш, коллектор-дренаж сувларининг сифатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
27.	Коллектор-дренаж тармоқларининг техник ҳолатини дала шароитида ўрганиш.	1) дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; 2) коллектор-дренаж тармоқларининг техник ҳолатини дала шароитида ўрганишни ўтказиш; 3) коллектор-дренаж тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш.	Ҳар йилги дастурга мувофиқ	Коллектор-дренаж тармоқларининг, шу жумладан, дарё ва табиий пастликларга қўйиладиган коллекторларнинг (85 та) техник ҳолатини баҳолаш. Коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ҳамда ўзанларни лойқа босиши ва емирилиш жараёнларининг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
<b>VI. Ер ости сувларининг ифлосланиши мониторинги</b>						
28.	2017 — 2020 йилларда ер ости сувлари ифлосланиши мониторингини олиб бориш бўйича лойиҳалар тайёрлаш.	лойиҳани тайёрлаш ва геологик топшириқларни тасдиқлаш.	2016 йил, IV чорак	Ер ости сувлари ифлосланишининг мониторинги бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш ва келишиши.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Давлат геология кўмитаси
29.	Ер ости чучук, шўр ва минерал сувлар ресурсларининг ҳисобини олиб бориш.	1) гидрогеологик дала ишларини олиб бориш;	Ҳар йили	Ер ости сувларининг табиий ресурсларининг, чучук ва шўр ер ости	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган	Давлат геология кўмитаси

Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Қутилаётган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
		2) чучук ва кам шўрли сув манбаларини аниқлаш ва ер ости сувлари ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш; 3) сув таъминотини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни қарор қабул қилувчи махсус ваколатли давлат органларига тақдим этиш.		сувлари захираларининг ҳисобини юритиш. Ер ости сувларидан самарали фойдаланиш бўйича тадбирлар ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан назоратни таъминлаш.	маблағлар доирасида	
30.	Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ҳудудларида жойлашган 97 та ер ости сувлари конларининг 1985 та кузатиш қудуқлари, 250 та гуруҳ ҳамда 28 мингта якка тартибдаги сув олиш жойлари, 87 та булоқлар ва қудуқлар, 350 та йирик sanoat инфослангириш манбалари чегарасидаги ер ости сувларининг гидродинамик ва гидрокимёвий ҳолати мониторингини олиб бориш.	1) тайёрлов ишлари; 2) сувлардан намуна олиш билан боғлиқ дала ишларини ташкиллаштириш; 3) сув намуналарини таҳлил қилиш ва изланиш натижаларини камерал қайта ишлаш; 4) маълумотларни умумлаштириш ва тавсиялар билан бирга ҳисобот тайёрлаш; 5) мониторинг натижаларини манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.	Дастурга мувофиқ	Табийй ва бузилган шароитларда ер ости сувларининг гидрокимёвий ва гидродинамик режимининг мавсумий ва кўп йиллик шаклланиш қонунларини ва прогноз кўрсаткичларини аниқлаш. Салбий жараёнларнинг ривожланишидан огоҳлантириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ер ости сувлари гидросферасининг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш. Гидрогеологик хулосалар бериш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Давлат геология қўмитаси
31.	Ер ости сизот сувлари сифати ва ҳолатини назорат қилиш учун суғориладиган ерлардаги кузатув тизимини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини олиб бориш.	1) лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш; 2) ишларни бажариш учун пудратчиларни аниқлаш; 3) қурилиш ва қайта тиклаш ишларини ўтказиш; 4) кузатув тизимини ишга тушириш.	2016 — 2020 йиллар	Суғориладиган ерлардаги ер ости сизот сувларининг ҳолати ва сифати бўйича назоратни яхшилаш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг бошқарув департаменти
32.	Гидрогеологик, муҳандислик-геологик, геокимё параметрлари ўзгариши ва техногенез таъсири остида салбий жараёнларнинг ривожланишини акс эттирадиган республиканинг экогеологик моделини тузиш.	1) дастлабки маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш; 2) дала ва лаборатория тадқиқотларини ўтказиш; 3) олинган маълумотларни умумлаштириш ва қайта ишлаш; 4) экогеологик моделларни тузиш; 5) салбий таъсирга учраган ҳудудларда экологик ҳолатни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;	2016 — 2020 йиллар	Геологик муҳит эволюциясининг характери ва даражасини баҳолаш ҳамда экологик ҳолатни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Давлат геология қўмитаси

Т/р	Асосий тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Қўтилаётган натижалар	Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм)	Бажарувчилар
1	2	3	4	5	6	7
		6) ҳисоботни тайёрлаш ва манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.				
33.	Махсус кузатув тизимидаги — «Нукус», «Бухоро», «Газли», «Қарши» ва «Сирдарё» 5 та кузатув пунктлари қудуқларида зилзила даракчиларини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бориш.	1) мониторинг олиб бориш бўйича иш режасини тузиш ва келишиш; 2) кунлик кузатишларни ташкиллаштириш ва ўтказиш; 3) маълумотлар тайёрлаш ва манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.	2016 — 2020 йиллар	Зилзиланинг прогноз индикаторларини аниқлаш учун ер ости сувлари сатҳи юзасидан кундалик кузатувлар олиб бориш. Минтақадаги сейсмик фаолликни баҳолаш учун тезкор маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг прогноз комиссиясига тақдим этиш.	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Давлат геология қўмитаси
